СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши
№ 216 (1994).
29 октябрь
якшанба
1961 йил
Баҳоси 3 тийин

КПСС XXII съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла ва тамомила маъқуллади.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИНИНГ

# ҚАРОРИ

*(1961 йил 27 октябрда бир овоздан қабул қилинган)*

**Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини— КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, қарор қилади:**

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги сиёсий йўли ва амалий фаолияти тўла ва тамомила маъқуллансин.**

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ҳисоботида баён қилинган хулосалар ва таклифлар маъқуллансин.**

## КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН КПСС XXII СЪЕЗДИНИНГ

# ҚАРОРИ

*(1961 йил 27 октябрда бир овоздан қабул қилинган)*

**КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Ҳисоботи тасдиқлансин.**



МОСКВА, 27 октябрь. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ. Съезд Президиуми. Минбарда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев.

В. Савостьянов ва В. Егоров фотоси (ТАСС фотохроникаси).

## ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИДА 1961 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДА

# Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ СЎЗИ

Делегат ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг ҳисоботи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси тўғрисидаги доклад муҳокама қилиниб бўлди. Муҳокама юксак сиёсий руҳда ўтди. Бу минбардан съезднинг кўп делегатлари сўзга чиқдилар. Бу нутқлар тўғрисида нима дейиш мумкин? Бу нутқларнинг ҳар бирини партияга рапорт, партия олдида берилган ҳисобот деб айтсам, сизлар менинг бу фикримга қўшилурсизлар, деб ўйлайман. Шу минбарга чиққан ҳар бир киши нималар қилинганлиги ва нималар қилиниши кераклиги тўғрисида энг тўлқинлантирувчи энг зарур гапларини айтди. Бу нутқлар коммунизм тантанасига чексиз ишонч руҳи билан суғорилган нутқлар бўлди. **(Давомли қарсаклар).**

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини ҳам, шунингдек партиямиз Программасининг — коммунизм қуриш программасининг проектини ҳам якдиллик билан маъқулладилар. XXII съезд ленинчи партиямизнинг бирлигини, унинг теварагида бутун совет халқининг жипслашганлигини кўрсатувчи энг ёрқин намойишдир. **(Қарсаклар).**

XXII съезд ўз ишининг бутун мазмуни билан XX съезд ишлаб чиққан йўлга партиямизнинг бениҳоя содиқлигини исботлади. **(Қарсаклар).** XX съезд шахсга сиғиниш даврининг ҳамма куйкаларини тозалаб ташлаб партиямиз тарихида янги саҳифа очганлиги, мамлакатимизнинг бутун жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожланишига яхши таъсир ўтказганлиги эндиликда тағин ҳам равшан бўлиб қолди. **(Қарсаклар).**

Съездимизнинг диққат марказида партия Программаси — коммунистик жамият қуриш программаси турибди. Съезднинг шу минбардан сўзга чиққан ҳамма делегатлари Марказий Комитет тақдим этган Программа проектини маъқуллаб, уни бажаришнинг конкрет амалий йўлларини ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Улар янги Программанинг муваффақиятли равишда амалга оширилишига қатъий ишонч билдирдилар, партиямизнинг учинчи Программаси ҳам биринчи ва иккинчи программалар сингари муваффақиятли бажарилиши учун совет кишилари бутун кучларини сарфлашга тайёр эканлигини айтдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Программамизнинг кучи ва ҳаётийлиги совет кишиларининг фидокорона меҳнатидадир. Валентина Гаганова, Александр Кольчик, Мария Рожнева, Василий Кавун, Василий Смирнов, Александр Гиталов ва бошқа шулар сингари кўпгина ажойиб новаторларнинг нутқларини эшитганингда нақадар қувонасан ва фахрланасан, киши. Илғор кишилар ватан олдидаги, халқ олдидаги ўз бурчларини бажармоқ учун меҳнатда нақадар ташаббус, ихтирочилик, моҳирлик ва сабот кўрсатмоқдалар. Миллион-миллион мана шундай новаторлар совет жамиятимизнинг ҳам гули, ҳам ифтихоридирлар. **(Қарсаклар).**

Ҳозир шу нарса жуда муҳимки, ҳар бир заводда, ҳар бир фабрика ва қурилишда, ҳар бир колхоз ва совхозда барча меҳнаткашларнинг куч ва ғайратлари ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажаришга қаратилмоғи керак. Меҳнат унумдорлиги нақадар юқори бўлса, сифат нақадар яхши бўлса, шу қадар кўп бойлик яратилади; бойлик қанчалик кўп бўлса, совет халқининг улуғ мақсад— коммунистик жамият қуриш сари қўядиган қадами шу қадар жадалроқ бўлади. **(Қарсаклар).**

**(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)**

*Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида*

## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

**27 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.**

**Съезд ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладлари — КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проекти тўғрисидаги доклад, шунингдек КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Ҳисобот доклади юзасидан музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.**

**Съезд номига Гондурас, Покистон, Таиланд, Африка мустақиллик партияси (Сенегал)дан, Бирма прогрессив партиялари — Бирма ишчи партияси ва Халқ ўртоқлари партиясидан табрикномалар олинди.**

**Кечки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчев якунловчи нутқ сўзлади.**

**Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан якдиллик билан қарор қабул қилди. Съезд бу қарорида КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини тўла ва тамомила маъқуллади. Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботида баён қилинган хулосалар ва таклифларни маъқуллади.**

**Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан партия XXII съездининг резолюция проектини тайёрлаш ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектига тузатиш ва қўшимчаларни қараб чиқиш учун Комиссия сайлади.**

**Съезд КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Ҳисоботини якдиллик билан тасдиқлади.**

**Кечки мажлиснинг охирида делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган ёш пионерлар съездни табрикладилар.**

**28 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.**

**Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ф. Р. Козлов КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида доклад қилди.**

**Делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари— Швеция Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Хильдинг Хагберг, Бразилия Коммунистик партияси Миллий раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Жиралду Родригес дос Сантос, Судан Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ Иброҳим Мустафо, Коста-Рика халқ авангарди партияси Миллий комитетининг секретари ўртоқ Оскар Варгас, Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Хорхе Дель Прадо съездни табрикладилар.**

**Шундан кейин съезд КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисидаги докладни муҳокама қилишга ўтади. Мажлисда Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ И. П. Казанец, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Н. Г. Егоричев сўзга чиқдилар.**

